

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 05
(Жорий таъмирлаш буйича)

13.10.2022й

Карши шахар

Бир томондан Кашкадарё вилоят Карши туман "QARSHI BUNYODKOR QURILISH VA TA'MIRLASH" МЧЖ (кейинги уринларда «Пудратчи» деб юритилади) узининг низом, асосида иш юритувчи раҳбари **Ашурев И.** номидан ва иккинчи томондан Карши шахар Мурувват ногиронлиги булган болалар учун интернат уйи (кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритилади) узининг низоми мазкур шартномани кўйидагилар хакида асосида иш юритувчи раҳбари **Ё. Шоназаров** номидан мазкур шартномани кўйидагилар хакида туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1 Ушбу шартнома буйича «Пудратчи» «Буюртмачи» нинг буюртмасига ва тузилган лойиха смета хужжатларига асосан Карши шахар Карши шахар Мурувват ногиронлиги булган болалар учун интернат уйи биносини жорий таъмирлаш ишларини бажаришни, «Буюртмачи» эса бажарилган ишларни тулик кабул килиб олишни, хамда таъмирлаш ишларини хакини ушбу шартномада курсатилган тартибда ва муддатда тулаб беришни уз зиммаларига оладилар.

1.2 Шартноманинг умумумий суммаси **290 000 000 (Икки юз туксон миллион) сум**

2. ШАРТНОМА БУЙИЧА КЕЛИШУВ

- 2.1** «Буюртмачи» томонидан тақдим килинган хужжатларга асосан жорий таъмирлаш ишларининг киймати
- 2.2** Таъмирлаш ишларини бошланиши: **13.10.2022 йилдан**
- 2.3** Таъмирлаш ишларини тугаш вакти: **31.12.2022 йилгacha**

3. ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИНИНГ ШАРТНОМАВИЙ МУДДАТЛАРИ

- 3.1** Таъмирлаш ишларини бажариш муддати шартномани 2.3 бандида курсатилган муддатгача амалга оширилади.
- 3.2** Шартномани 4.1 бандида курсатилган авансни «Пудратчи» олганидан сунг таъмирлаш ишларини бошлайди.
- 3.3** «Буюртмачи» томонидан таъмирлаш ишларини бажариш даврида «Пудратчи» га узи томонидан харид килинган курилиш материалларини тақдим килиши мумкин.
- 3.4** Таъмирлаш ишлари тухтаб колганлиги учун сабачи булган томон, бунинг окибатида келиб чикадиган хар кандай камомад ёки жавобгарликни уз зиммасига олади.
- 3.5** Таъмирлаш тугаб фойдаланишга топшириш учун тузилган комиссия далолатномаси тасдиқлангандан сунг таъмирлаш ишлари тамом булган хисобланади.

4. ТУЛОВЛАР ВА ХИСОБ КИТОБЛАР

- 4.1 Ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 кун муддат ичида «Буюрмачи» таъмирлаш ишларини бошлаш учун «Пудратчи» га шартнома нархининг **30 % ини ёки 87000 000 (саксон етти миллион)** сум аванс тарикасида маблагни кучиради.
- 4.2 «Буюрмачи» туловни пул утказиш йули билан амалга оширади.
- 4.3 Пудрат ташкилоти томонидан шартномада курсатилган суммадан ошикча бажарилган ишлар учун «Буюрмачи» томонидан тулов амалга оширилмайди.

5. ПУДРАТЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 5.1 Шартнома бахоси **290 000 000 (Икки юз туксон миллион)** сум булган таъмирлаш ишларини юкорида келишилган муддатда тугатиб бинони фойдаланишга топшириш.
- 5.2 Махсус таъмирлаш ишларини махсус Пудратчи ташкилотларини жалб килади.
- 5.3 Хар ойнинг 30 санасида жорий ойда бажарилган таъмирлаш ишлари тугрисида тегишли хужжатларни «Буюрмачи» тақдим килиши шарт. Агар таъмирлаш мазкур шартномада курсатилган муддатда пудратчининг айби билан фойдаланишга топширилмаса у холда буюрмачига қуидаги тартибда жарима тулайди. Таъмирлаш муддати 30 кунга кечикирилса шартнома бахосида 0.5% микдорида
-кейинги 30 кун учун шартнома бахосидан 0.7% микдорида
-ундан кейинги муддатлар учун 10% микдорида
Жарима санкцияси Пудратчи томонидан билдирилган ёзма равишдаги даъводан кейин 10 кун муддат давомида туланиши шарт
Пудратчи шартномада назарда тутилган маблаг доирасида ишларни бажаради ва шунга мувофик бажарилган ишлар тугрисида 2-сонли далолатнома тузади.

6. «БЮОРТМАЧИ» НИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 6.1 Шартномада курсатилган 4.1 ав 4.2 бандлар бузилса «Буюртмачи» хар бир кечикирилган кун учун шартноманинг туланмаган нархини 0.4% микдорида Пудратчига жарима тулайди.
- 6.2 «Буюртмачи» белгиланган ишларни уз вактида белгиланган стандартларда ва амалдаги конунчиликка асосан кабул килиб олади.
- 6.3 «Буюртмачи» тасдиклаган сметасига мувофик бюджетда назарда тутилган маблаглар доирасида шартнома тузади ва шартнома суммасига мувофик 2-сонли далолатномани «Пудратчи» билан биргаликда тузади.

7. КАФОЛАТЛАР

Пудратчи:

- 7.1 Барча ишлар тулик хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилиши.

Лойиха хужжатларига хамда курилиш меёrlарига ва техник шартларига мувофик барча ишларни бажарилиш сифатини;

Узи томонидан таъмирлаш учун қулланиладиган курилиш материаллари, асбоб ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкция ва бутловчи кисмлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига хамда техник шартларга мувофикигини;

Ишларни кабул килиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланган камчилик ва нуксонларни уз вактида бартараф килиш.

Объектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофикигини кафолатгайди.

7.2 Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланиб улар бартараф етилгунга кадар фойжаланишни давом эттириш имконини бермайдиган. Нуксонлар аникланса у холда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар пудратчи томонидан унинг уз хисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюрмачининг икки икки томонлама далолатномасида кайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуксонлар ва чала ишларни жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада курсатилган мддат ичидаги бартараф этмаса у холда Буюртмачи мазкур жартноманинг 4.1 бандида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб колиш хукукига эга.

7.3 Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар курсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда уларни текшириб чикиш «Давлатархитектуракурилишназорат» органлари томонидан амалга оширилади бу томонларнинг ушбу масала буйича хужалик судига мурожаат килишини истисно этмайди.

Жорий таъмирлаш ишларини кабул килиб олиш далолатномани имзолангандан кундан бошлаб 1 ой этиб белгиланган.

8. ТОМОНЛАР УРТАСИДА ШАРТНОМАВИЙ НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ

8.1 Ушбу шартнома асосида келиб чикадиган хар кандай низолар Узбекистон Республикасининг амалдаги конунчиликлари талабларига асосан хужалик судларида хал этилади.

9.БОШКА ШАРТЛАР

9.1 Мазкур шартнома 2013-йил 26-декабр кунида УРК-360-сон билан тасдиқланган «Узбекистон Республикасининг Бюджет кодекси»га мувофик тегишли тартибда газначиликда руйхатдан утказилгандан сунг юридик кучга киради. Шартнома 13 октябр 2022-йилдан 31-декабр 2022-йилгача (ёки томонлар уз мажбуриятларини тулик бажармагунларича) амалда булади.

9.2 Ушбу шартнома буйича кушимча ва узгартеришлар ёзма равишда тузилиб томонлар томонидан имзоланиши лозим.

9.3 Ушбу шартноманинг тугатилиши ёки бузилиши амалдаги конунчиликка мувофик хал этилади.

9.4 Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга булган 2 нусхадан иборат булиб томонларнинг хар бирида булади.

9.5 Ушбу шартнома буйича талаб килиш хукуки 3-шахсларга факат 2-томоннинг ёзма розилиги асосида амалга оширилади

10. БОШКА ХОЛАТЛАР

- 10.1 Томонларнинг хошиш истагига бодлик булмаган уларни олдиндан билиш ёки олдини олш имкони булмаган холатлар окибатида томонларнинг уз мажбуриятларини бажармасликлари ушбу шартнома шартларини бузиш деб хисобланмайди.
- 10.2 Уз мажбуриятларини бажара олмаётган тараф шартнома шартларини бажаришга тускинлик килаётган холатлар ва уларнинг таъсири хакида иккинчи тарафга хабарнома бериши лозим.
- 10.3 Форс мажор холатларини важ килиб келтираётган тараф уларнинг тасдиги сифатида ваколатли давлат органининг тегишли хўжжатини тақдим этиши шарт.
- 10.4 Томонларнинг хошиш имтагига бодлик булмаган уларни олдиндан билиш йки олдини олиш имконияти булмаган холатлар сифатида куйидагилар назарда тутилади
- Енгид булмас куч сифатида табиий оғатлар;
 - Янги кабул килинган конун хўжжатлари

11. БОШКА ХОЛАТЛАР

- 11.1 Томонлар шартнома мажбуриятлари юзасидан узаро хамкорлик килиб турадилар

ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

"QARSHI BUNYODKOR QURILISH VA TA'MIRLASH"

Манзил: Карши тумани Чоргумбаз кишлоги

Тел: +99890 314 24 24

Х/Р 20208000200225788001

Банк номи : Кишлок курилиш Банк Карши ш.

МФО : 00155 ИНН : 302617946

Карши шахар Мурувват ногиронлиги

булган болалар учун интернат уйи

Манзил: Карши шахар И. Каримов куча 431-үй

Ш Х/Р 100021860104017101205344001

Банк номи : Марказий банк Тошкент ш

МФО : 00014 ИНН : 200 666 409

Газначилик булимии номи Уз. Рес. Молия

Вазирлиги Газначилиги ИНН: 201122919

Газна X/p 23402000300100001010


Рахбар: Ё. Шоназоров.

Рахбар: И Ашупров.

ИМЗО

ИМЗО

J. Исекеев



«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Карши «Муруват» ногиронлиги бўлган болалар

УЧУМБИНДЕРНАТУЙИ директории
Ё. Шоназаров.

13.10.2022 йил

№ 8

Карши шахри

Карши «Муруват» ногиронлиги бўлган болалар учун интернат уйи болалари учун тайёр иссик овкат таёrlаб бериш (Аутсорсинг)хизматини танкил этиш учун 2021йил 22 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг Давлат харидлари тугрисида ЎРҚ-684-сонли конунининг талабларига асосан энг яхши таклифларни танлаш орқали шартнома тузишни ташкил қилиш комиссиясининг

МУХОКАМА БАЁНИ:

Директор: Комиссия раиси:	Ё. Шоназаров.
Аъзолари:	
Хужалик мудири:	А. Тиловов.
Бош хисобчи:	Ю. Қиличов
Инженер:	А. Юсупов
Каттга хамшира	Ю. Эгамбердиева

Кун тартибида кўриладиган масала:

Карши «Муруват» ногиронлиги бўлган болалар учун интернат Марказ биносини жорий таъмирлаш ишларини ташкил этиш учун танлов асосида 2022й 29 сентябр кунидаги 22110012157321-сонли лот билан Давлат харидларининг /etender.uzex.uz/ дастурий мажмуасига жойлаштирилган электрон эълон 2022й 7-октябр куни тугаганлиги ва ушбу 22110012157321-сонли лот натижасига биноан шартнома тузиш ва шартномани тасдиклаш тугрисида.

Комиссия энг яхши таклифларни танлаш жароёнида қатнашган ташкилотлар таклифларини кўриб чиқди. Карши «Муруват» ногиронлиги бўлган болалар учун интернат уйи марказ биносини жорий таъмирлаш ишлари учун хизматини бериш учун 2 та хусусий корхона ўз таклифлари билан қатнашганлиги аникланди. Улар томонидан берилган таклифлар ва хар бир юкландан маълумотлар синчиклаб ўрганиб чиқилиб танлов талабларига асосан баҳо берилди.

Берилган баҳолар натижасига асосан энг яхши таклифларини танлаш танлови бўйича 2022й 7 октябр кунида 157321-сонли баённома электрон тарзда шаклланди. Баённома шаклланганган сўнг энг юқори бал билан "QARSHI BUNYODKOR QURILISH VATA'MIRLASH" МЧЖ голиб бўлганлиги аникланди ва 3 иш (48) соат куни мухокамага кўйилди. Хамда ракобатчи томонидан электрон ёзма эътиrozлар келиб тушмагандан сўнг

КОМИССИЯ ҚАРОР ҚИЛАДИ:


1. "QARSHI BUNYODKOR QURILISH VATA'MIRLASH" МЧЖ голиб деб топилсин.
2. "QARSHI BUNYODKOR QURILISH VATA'MIRLASH" МЧЖ томонидан таклиф этилган нархлар асосида шартнома расмийлаштирилсин.
3. Ушбу баённома карорини бажарилишини назорат қилиш бош хисобчи Ю. Қиличов зиммасига юклатилсин.

Комиссия раиси:  Ё. Шоназаров.

Аъзолари:

Хужалик мудири:  А. Тиловов.

Бош хисобчи:  Ю. Қиличов

Инженер:  А. Юсупов

Каттга хамшира  Ю. Эгамбердиева.